

№ 3-106-19

Апелляция инстанциясида
маърузачи: судья И.Сатвалдиев

Биринчи инстанция судининг
судьяси: Н.Зайнобидинов

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И

2019 йил май ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи А.Мирзаев, ҳайъат судьялари Н.Расулов, И.Сатвалдиевдан иборат таркибда, Ш.Мирзакаримовнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокурори ёрдамчиси Ш.Эргашев, судланган С.Б, К.М ва уларнинг ҳимоячилари Х.Мадумаров, С.Фозиловларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2019 йил 3 апрелдаги ҳукмига мувофиқ судланган С.Б ва К.Мларга оид жиноят ишини судланганлар ва уларнинг ҳимоячилари билан биргаликда келтирган апелляция шикоятлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2019 йил 3 апрелдаги ҳукмига асосан:

С.Б, [REDACTED] да Асака туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 4 нафар фарзанди бор, ишламаган, муқаддам:

1.Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 2002 йил 19 декабрдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг (эски тахрирдаги) 67-моддаси ҳамда амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖК 248-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

2.Андижон шаҳар ИИБ тергов бўлимининг 2017 йил 4 мартдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 171-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 184-моддаси 3-қисми билан юритилган жиноят иши ЖПК 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан тугатилган, [REDACTED]

[REDACTED] да яшаган, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган;

К.М (Махмудов Keldiboy Roziqovich), 1972 йил 18 февралда Асака туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2015 йил 15 мартдаги ажримиға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в” банди, 189-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан юритилган жиноят иши 2014 йил 14 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандига асосан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилган, яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган, Асака тумани, Нурафшон МФЙ, Гулшан кўчаси, 61-уйда яшаган, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суд ҳукмиға кўра, С.Б, К.Млар бошқа шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини маҳсус харидор О.Мамажоновга сотишни режалаштириб, тузилган жиноий режага асосан С.Б, К.Млар 2018 йил 9 август куни соат 16.30 ларда Асака тумани, Карвонсарой кўчасида маҳсус харидор О.Мамажонов билан учрашиб, унга бир килограмм “опий” гиёҳвандлик воситасини 12.000 АҚШ долларига сотишга келишиб, келишувга асосан 12.000 АҚШ долларини К.М маҳсус харидор О.Мамажоновдан олиб, С.Бга берганидан сўнг, К.М маҳсус харидор О.Мамажоновни Марҳамат тумани, Эрши МФЙга олиб бориб, у ерда “опий” гиёҳвандлик воситасини келишувга асосан маҳсус харидор О.Мамажонов тезкор тадбир давомида қочиб, яширинган фуқаро Д.Акрамовдан олганидан сўнг, К.М Асака туманига ҳаракатланиб келаётган вақтда ҳамда С.Б 5-кўча номли чойхонада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган “Назорат тартибида гиёҳвандлик воситасини харид қилиш” тезкор тадбири давомида жиноят устида ушланиб, С.Бдан 12.000 АҚШ долари ва маҳсус харидор О.Мамажоновдан гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида олиниб, гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотганликда айбли деб топилганлар.

Судланган С.Б ҳимоячиси билан биргаликда келтирган апелляция шикоятда, ЖПКнинг 22,23-моддалари талабларига риоя қилинмаганини, Д.Акрамовдан “опий” гиёҳвандлик моддасини маҳсус харидор О.Мамажонов олган вақтида С.Б иштирок этмагани, Д.Акрамовдан маҳсус харидор О.Мамажонов “опий” гиёҳвандлик моддасини олиш жараёнида ишга ҳолис сифатида жалб қилинган У.Мамажонов ва Ў.Холматовлар иштирок этмаган

бўлсаларда, иштироки таъминланганлиги ҳақида баённомалар сохталаштирилганлигини, С.Бни жавобгарликка тортилишидан бевосита манфаатдор бўлаётган О.Мамажонов ва у томонидан махфий хамкорликка ёлланган Х.Боқиевларни ишончга сазовор бўлмаган кўрсатувлари асосида айбдор деб топилгани, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни талаблари бузилганлигини кўрсатиб, С.Бнинг ҳаракатида ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлигини тасдиқловчи далиллар тўпланмаганлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиш, далилларни сохталаштирган ИИБ мансабдор шахсларини ҳаракатларида ЖКнинг 230¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжудлигини, кўрсатувларини ўзгартирган гувоҳ У.Мамаджоновнинг ҳаракатларига баҳо бериб, жиноят иши кўзғатиш учун вилоят прокуратурасига ажрим чиқаришни, “Самсунг А5” русумли уяли телефон аппаратини С.Бга қайтаришни сўрашган.

Судланган К.М ҳимоячиси билан биргаликда келтирган апелляция шикоятда, биринчи инстанция суди ЖПКнинг 22,23-моддалари талабларига риоя қилинмагани, Д.Акрамовдан “опий” гиёҳвандлик моддасини махсус харидор О.Мамажонов олганидан хабари бўлмагани, О.Мамажонов ва Х.Боқиевларни ишончга сазовор бўлмаган кўрсатувлари асосида айбдор деб топилганини, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонуни талаблари бузилганлигини кўрсатиб, К.Мнинг ҳаракатида ЖК 273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлигини тасдиқловчи далиллар тўпланмаганлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилишни, далилларни сохталаштирган ИИБ мансабдор шахсларини ҳаракатларида ЖКнинг 230¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжудлигига, кўрсатувларини ўзгартирган гувоҳ О.Мамаджоновнинг ҳаракатларига баҳо бериб, жиноят иши кўзғатиш учун вилоят прокуратурасига ажрим чиқаришни, уяли телефон аппаратини К.Мга қайтаришни сўрашган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят суди судьяси И.Сатвалдиевнинг маърузасини, ҳимоячи Х.Мадумаров, С.Фозиловларнинг апелляция шикоятларини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини, вилоят прокурори ёрдамчиси Ш.Эргашевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини эшитиб, апелляция шикоятларидаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланувчи С.Б, К.Млар айбларига иқдорлик билдирмасдан кўрсатувлар беришсада, уларнинг айби гувоҳларнинг кўрсатувлари, назорат тартибида наркотик моддани харид қилиш тадбирини белгилаш, ажратилган пулларни тартиб рақамларини ёзиб олиш, махсус ишлов бериш ҳамда ҳолис харидорга тақдим қилиш ҳақидаги, назорат тартибида наркотик моддасини харид қилиш тадбирини ўтказиш, далилий ашёларни олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги, моддани назорат тартибида соф вазнини аниқлаш

ҳақидаги баённомалар, суд-кимёвий экспертизасининг хулосаси ҳамда жинойт ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топган.

Биринчи босқич суди С.Бозоров ва К.Мларнинг олдиндан жиноий тил бириктириб, гуруҳ бўлишиб, кўп миқдордаги бир килограмм “Опий” гиёҳвандлик воситасини сотганликдан иборат жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Судланувчи С.Б, К.Мларнинг кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотмагани, жинойт содир этмагани ҳақидаги важлар судда текширилган қўйидаги далиллар билан рад қилинади.

Гувоҳ О.Мамажонов суд мажлисида, Қўрғонтепа туман ИИБ бошлиғи биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келишини, 2018 йилнинг июль ойида олинган тезкор маълумотларга кўра, Асака туманида яшовчи икки нафар фуқаро С.Б, К.Махумдовлар “опий” гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида харидор излаб юрганини билиб, маълумотларни текшириш учун ушбу фуқароларни шахсини аниқлаб, улар билан мулоқотга кириб, “опий” гиёҳвандлик воситаси кераклигини айтиб, уларни ишончига киргани, С.Б билан биринчи мартаба июль ойининг ўрталарида кўришганида, С.Б унга 1 кг. қора дори борлигини, нархи 20.000 АҚШ доллари бўлишини айтгани, шунда С.Б билан савдолашиб, 15.000 АҚШ долларига келишгани, шундан кейин С.Б “опий” тайёр бўлиши билан унга қўнғироқ қилишини айтиб, 90-370-70-24 телефон рақамини бергани, шундан кейин тезкор маълумотларга кўра, 9 август куни тушлик маҳалидан сўнг С.Бни яшаш хонадонига бориб, С.Б билан гиёҳвандлик воситаси ҳақида гаплашиб турганида, К.М келгани, С.Б билан “опий” гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш масаласида гаплашганида, унга 1 кг. “опий” охирги нархи 18.000 АҚШ доллари бўлишини айтганида, С.Бга ёнида фақат 12.000 АҚШ доллари борлигини, пули тўлиқ бўлганидан кейин келишини айтиб, кетмоқчи бўлганида, С.Б уни тўхтатиб, бор пулини беришини, қолганини кейинроқ бериши мумкинлигини айтгани, шундан кейин 12.000 АҚШ долларини С.Бга бермоқчи бўлганида, С.Б пулларни К.Мга беришини айтгани сабабли 12.000 АҚШ долларини К.Мга бергани, К.М пулларни қўлида оқ дурра билан ушлаб олган ҳолда олиб, С.Бга узатиб бергани, шундан кейин С.Б К.Мга Марҳамат туманига бориб келишини, у ерда жияни Дилшод гиёҳвандлик воситасини унга беришини айтгани, К.М ўзини бошқарувидаги “Нексия-3” русумли автомашинасига С.Б билан ўтириб, унга орқасидан юришини айтгани, шунда ўзини бошқарувидаги “Кобальт” русумли автомашинасида уларни орқасидан ҳаракатлангани, йўлда кетаётган вақтида С.Б 5-кўча номли чойхона олдида тушиб қолгани, улар эса Марҳамат томонга қараб ҳаракатланишни давом эттиргани, Марҳамат туманига етиб боришганида, К.Мни автомашинасини ёнига кейинчалик билган Дилшод исмли бола қўлида болалар сумкачасини кўтариб келгани, К.М унга бир нарса деб, уни бошқарувида бўлган “Кобальт” русумли автомашинага ўтиши ҳақида ишора берганидан кейин, Дилшод уни автомашинасига ўтиргани, кейин улар Асака

томонга қараб ҳаракатланишгани, йўлда Дилшод унга сумка ичидаги гиёҳвандлик воситасини кўрсатиб, пул қаердалигини сўраганида Дилшодга пул С.Бда қолганлигини, гиёҳвандлик воситасини ўлчаб олиш кераклигини айтгани, Дилшод унга йўлда таниш дўкон борлигини, ўша ерда гиёҳвандлик воситасини вазнини ўлчаб, қайтиб кетишини айтгани, шундан кейин Асака шахрига етиб қолган вақтида Дилшод уни бир дўкон олдида тўхташини айтгани, автомашинасини тўхтатиб, кузатув гуруҳига махсус сигнал бергани, шундан кейин иккала автомашина тўхтатилиб, барча иштирокчилар ушлангани, тезкор тадбир иштирокчилари томонидан К.М, Х.Боқиевлар ушланган жараёни автомашинасининг олди ўриндиғида ўтирган Дилшод исмли шахс кўриб, автомашинадан зудлик билан тушиб, номаълум томонга қочиб, яширингани ҳақида кўрсатув берган.

Гувоҳ Х.Боқиев судда, 2003 йилда Олмалиқ шахрида жойлашган УЯ 64/57-сонли жазони ижро этиш колониясида жазо ўтаётган вақтида маҳкум С.Б билан танишиб қолгани, 2004 йилда С.Б билан бир неча маротаба кўришгани, кейинчалик С.Б Россия Федерациясига кўчиб кетгани ҳақида кўчада танишларидан эшитгани, 2018 йилнинг июнь ойида С.Б унга кўнғироқ қилиб, Ўзбекистонга қайтиб келгани ҳақида айтиб, Асакада жойлашган 5-кўча номли чойхонага таклиф қилгани, шундан кейин С.Бни кўргани Асака туманига бориб, у билан 5-кўча номли чойхонада дам олиб ўтиришгани, шу тариқа С.Б билан кўп маротаба кўришиб туришгани, шуни орасида С.Б унга 1 кг. қора дори борлигини, шуни сотиш кераклигини, харидор топиб беришини айтганида, унга бу ишлар билан шуғулланмай кўйганини айтгани, С.Б унга суриштириб кўришини тайинлагани, унга розилик жавобини бериб, лекин харидор истамагани, 2018 йилнинг июль ойи ўрталарида С.Б уни чақириб, яна гиёҳвандлик воситаси масаласида сўраганида, унга “Собир ака менга душманмисиз, мен бу нарсани чекмай кўйганман, бу ишларни ташладим” деб жавоб берганидан кейин ҳам С.Б харидор топиш кераклигини айтгани, шундан кейин унинг ушбу жиноий ҳаракатларига қўшилиб, жавобгар бўлиб қолмаслик мақсадида ИИБ ходими О.Мамажоновни олдига бориб, С.Бни жиноий ҳаракатлари ҳақида айтгани, О.Мамажонов унга С.Б билан кўришиб, қандай тартибда гаплашиш кераклиги ҳақида тушунтириш берганидан кейин О.Мамажонов билан биргаликда С.Бни яшаш хонадонига боришгани, С.Бни хонадонига олдин ўзи кириб, унга “Қора дори”га харидор топиб келгани, харидор ташқарида автомашинада ўтирганини айтгани, шундан кейин С.Б билан ташқарига чиқиб, уни О.Мамажонов билан таништиргани, шундан кейин О.Мамажонов С.Б билан гаплашиб, суҳбати давомида О.Мамажонов бир касал хожи акаси борлигини, ҳозирда унга гиёҳвандлик воситаси кераклигини айтганида, С.Б унга 1 кг. сифатли қора дориси борлигини, нархи 20.000 АҚШ доллар бўлишини айтгани, шунда О.Мамажонов С.Б билан савдолашиб, 1 кг. “Қора дори” учун 15.000 АҚШ доллари беришга келишиб, гиёҳвандлик воситаси тайёр бўлиши билан ўзи хабар беришини айтгани, шундан кейин С.Б билан О.Мамажонов ўзаро телефон рақамларини ёзиб олишгани, 2018 йил 9

август куни эрталабдан маҳалласида ўлим бўлиб, жанозага чиққан вақтида, олдига кўшниси келиб, унга икки нафар одам уни излаб келгани ҳақида айтгани, шундан кейин кўчага чиқиб, Андижон шаҳри, Фурқат кўчасида жойлашган болалар шифохонаси олдида С.Б билан К.М турганини кўргани, улар К.Мни бошқарувидаги “Нексия-3” русумли автомашинасида келишгани, шундан кейин К.Мни автомашинасига ўтирганида, К.М автомашинадан тушиб, уларни суҳбатига аралашмагани, С.Б унга гиёҳвандлик воситаси учун харидорини пули тайёрни деб сўраганида, С.Бга гиёҳвандлик воситасини қанчага сотишини сўрагани, 1 кг. “опий” гиёҳвандлик воситасини 15.000 АҚШ долларига сотишини айтгани, С.Бга ўйлаб кўриб, жавоб беришини айтиб, автомашинадан тушиб кетиб, шу заҳоти О.Мамажоновга телефон қилиб, у билан кўришиб, унга шахси сир сақланишига кафолат берса, С.Б билан К.Мни жиноятини фош этишга ёрдам бериб, тадбирда иштирок этишга розилигини билдириб, С.Б, К.Мларга нисбатан чора кўриш ҳақида ариза ва тушунтириш хатини ёзиб бергани, шундан сўнг О.Мамажонов томонидан бошқа ИИБ ходимлари чақиртирилиб, берган маълумотлари таҳлил қилиниб, “Назорат тартибида гиёҳвандлик воситасини харид қилиш” тезкор тадбири режалаштирилиб, О.Мамажоновга тадбир учун 12.000 АҚШ доллари миқдорида пул берилгани, О.Мамажонов 12.000 АҚШ долларини қора целофан пакетга солгани, шундан кейин О.Мамажонов билан биргаликда уни бошқарувидаги “Кобальт” русумли автомашинасида С.Бни яшаш хонадонига боришгани, тезкор тадбир иштирокчилари ҳам уларни орқасидан юриб, воқеа тафсилотларини масофадан туриб, кузатиб туришгани, С.Бни яшаш хонадонига биринчи бўлиб ўзи кириб, унга харидорни олиб келгани ҳақида айтганида, С.Б ундан харидорини пули нақдми деб сўрагани, унга харидор ташқарида турганини, пули ёнидалигини айтгани, шу орада С.Б К.Мга кўнғироқ қилиб, яшаш хонадонига тезда келишини айтгани, шундан кейин С.Б билан ташқарига чиқиб, О.Мамажонов билан кўришиб, гаплашиб туришган вақтида, К.М ҳам улар турган жойга бошқарувидаги “Нексия-3” русумли автомашинасида келгани, лекин К.М уларни суҳбатига аралашмагани, шундан кейин С.Б О.Мамажоновдан қанча миқдорда пул олиб келгани ҳақида сўраганида, О.Мамажонов унга 12.000 АҚШ доллари миқдорида пули борлигини, қолган 3.000 АҚШ долларини кейин беришини айтганида, С.Б олиб келган пулига гиёҳвандлик воситасини бермаслигини, 1 кг. “Қора дори” учун 18.000 АҚШ доллари миқдорида пул берса, кейин гиёҳвандлик воситасини беришини айтганида, О.Мамажонов айтилган пулларни тўлиқ қилиб, кейин олдига келишини айтиб, иккаласи автомашинасига ўтириб, ҳаракатланишни бошлаганида, К.М уларни тўхтатиб, қайтиши ҳақида ишора берганидан кейин, улар автомашинадан тушиб, С.Бни олдига боришганида, С.Б О.Мамажоновга қараб, “ука бор пулизи бераверинг, қолганини Хасанбойдан бериб юборасиз, унга ишонаман” деб айтгани, лекин ушбу суҳбатни К.М эшитмагани, шундан кейин С.Б, К.Млар О.Мамажонов бошқариб келган “Кобальт” русумли автомашинасига ўтиришгани, ўзи ташқарида туриб, уларни суҳбатини

эшитиб тургани, шу орада О.Мамажонов қора целофан пакетга ўралган пулларни олиб, С.Бга узатганида, С.Б пулларни олмасдан К.Мга беришини айтгани, шундан кейин О.Мамажонов целофан пакетни К.Мга узатгани, К.М ёнидан оқ дуррани олиб, ушбу оқ дурра билан пулларни қўлига олгани, шундан кейин С.Б автомашинадан тушиб, К.Мга пулни унга беришини айтгани, К.М автомашинада ўтирган ҳолатда пулларни С.Бга узатиб, автомашинадан тушгани, шундан кейин С.Б К.Мни бошқарувидаги “Нексия-3” русумли автомашинасининг орқа ўриндиғига ўтириб, унга олди ўриндиққа ўтиришини, О.Мамажоновга эса орқасидан юришини айтгани, шундан кейин К.Мни автомашинасида Марҳамат туманига қараб юришгани, йўлда кетишадиган вақтида С.Б К.Мга унга номаълум бўлган телефон рақамини бериб, Марҳамат туманида Дилшод исмли бола уларни кутиб турганини, унга телефон қилишини айтиб, 5-кўча номли чойхона олдида етиб келишганида, С.Б йўлни бўйида тушиб қолгани, улар эса К.М билан биргаликда Марҳамат туманига қараб ҳаракатланишни давом эттиришгани, йўлда кетаётиб, К.М газ қуйиш шохобчасига кириб чиққани, шу орада К.Мга кимдир кўнғироқ қилиб, унга борадиган манзилни тушунтиргани, шундан кейин улар Марҳамат туманига етиб бориб, Фарғона канали олдида тўхтаб туришган вақтида, уларни олдида унга нотаниш бўлган бир ёш йигит қўлида ёш болалар сумкачасини кўтариб келганида, К.М ўша болага О.Мамажоновни бошқарувидаги “Кобальт” русумли автомашинасига чиқишини айтгани, шундан кейин улар Асака томонга қараб ҳаракатланишни бошлагани, шу орада К.М телефон орқали ким биландир гаплашиб, Асака шаҳрига етмасдан бир дўкон олдида автомашинасини тўхтатгани, шундан кейин К.Мни автомашинасини олдида ИИБ ходимлари келиб, йўлини тўсиб, ўзини ҳамда К.Мни ушлаб, Асака туман ИИБ маъмурий биносига олиб боришгани сабабли қолган воқеа тафсилотларини кўрмагани, С.Б билан К.Мга нисбатан тўхмат қилмагани, илгари ҳам икки маротаба судланиб, жазо ўтаб чиққанидан кейин ўзига тегишли хулоса чиқариб олгани сабабли, С.Б ва унинг шериклари содир қилмоқчи бўлган жиноятга аралашиб қолишдан кўрқиб, фуқаролик бурчини бажариб, ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, “Назорат тартибида гиёҳвандлик воситасини харид қилиш” тезкор тадбирида ихтиёрий равишда иштирок этгани, ушбу тезкор тадбирда иштирок этишга уни ҳеч ким мажбур қилмагани, тазйиқ ўтказмагани ҳақида кўрсатув берган.

Гувоҳ Ф.Абубакиров суд мажлисида, 2018 йил 9 август куни тахминан соат 17.00 ларда қариндоши С.Б унга кўнғироқ қилиб, уни 5-кўча номли чойхонадан олиб кетишини айтгани, шундан кейин уни олдида боргани, С.Б автомашинасига ўтирган вақтида уни қўлида тахланган ҳолда бўлган оқ дуррани кўргани, шунда ҳаракатланмоқчи бўлган вақтида фуқаролик кийимида бўлган бир нечта ходимлар келиб, ўзини ИИБ ходимлари деб таништириб, уларни ушлашган, ходимлар уни қўлини қайириб, бошқа автомашина олдида олиб боришгани, кейин ИИБ ходимлари ўзини бошқарувидаги автомашинасини олдида олиб ўтишганида, С.Бни қўлида бўлган оқ дурра ичидан кўп миқдорда АҚШ доллари чиққанлиги кўргани,

воқеа куни ҳамда дастлабки тергов даврида унга нисбатан ИИБ ходимлари томонидан ҳеч қандай тазйиқлар ўтказилмагани, мажбурлаб кўрсатув беришга мажбур қилишмагани, кўрсатувларини ихтиёрий равишда бергани ҳақида кўрсатув берган.

Булардан ташқари, шикоятлардаги, судланувчи С.Бнинг гиёҳвандлик воситаларини олди-сотдиси билан ҳеч қачон шуғулланмагани, унга нисбатан ИИБ ходимлари томонидан гиёҳвандлик воситасини назорат тартибида сотиш тадбири қасдан уюштирилгани, шунингдек К.Мнинг “Гиёҳвандлик воситасини олди-сотдисиди умуман иштирок этмагани, уни ходимлар ИИБ биносига олиб боришиб, тазйиқлар остида ўзига ва С.Бга нисбатан қарши кўрсатувлар беришга мажбур қилишгани ҳақидаги вазлар ҳам асосиз бўлиб, судланувчиларнинг айбсизлигига оид ушбу вазлари уларнинг айблари жиноят ишида тўпланган, судда текширилган далиллар йиғиндиси билан исботлангани, ИИБ ходимлари томонидан судланувчиларга нисбатан жисмоний тазйиқ ўтказилгани ҳолати бўйича ҳеч қаерга мурожаат қилинмагани, барча ўтказилган тергов ҳаракатларида ҳимоячилар иштироки таъминлангани, ЖПК талаблари бузилмагани ҳолатлари билан рад қилинади.

Биринчи босқич суди С.Б, К.Мларга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қароридаги тушунтиришларга амал қилиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини эътиборга олиб, ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноят учун белгиланган озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинлаш, иш бўйича ашёвий далил ҳисобланган телефон аппаратлари ҳамда DVD дисклар иш учун аҳамиятли бўлгани сабабли иш ҳужжатлари билан бирга сақланиши ҳақида тўғри хулосага келган.

Судлов ҳайъати шуларга кўра С.Б ва К.Мларга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497¹¹, 497¹³, 497¹⁸ моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2019 йил 3 апрелдаги С.Б ҳамда К.Мларга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи	имзо
Ҳайъат аъзолари:	имзолар

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят суди судьяси

И.Сатвалдиев